



ДЎСТЛИК RIШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 2022 йил 21 сентябрь кунин Марказий Осиё мамлакатлари касабачи уюшмалари Кенгашининг II йиғилиши бўлиб ўтди

>>> 3

Олий Мажлис Сенатида МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МУҲОКАМАСИ



Халқаро меҳнат ташкилоти, Халқаро касабачи уюшмалари конфедерациясининг вакиллари, Марказий Осиё мамлакатлари ва Мўғулистон касабачи уюшмалари раҳбарлари Марказий Осиё мамлакатлари касабачи уюшмалари Кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун юртимизга ташриф буюришди.

2022 йил 21 сентябрь кунин меҳмонлар Олий Мажлис Сенати раиси – Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш Миллий комиссияси раиси Танзила Норбоева билан учрашди.

Мулоқот чоғида таъкидланганидек, сўнги йилларда мамлакатимизда меҳнат муносабатлари тизимида сезиларли ўзгаришлар бўлди, соҳада ташкилий-ҳуқуқий, қонунчилик ҳамда халқаро стандартларни жорий этиш бўйича кенг қўламли ишлар амалга оширилди, энг муҳими, болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам берилди.

Учрашувда томонлар меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, ушбу жараёнларда касабачи уюшма-

лари фаолиятини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама қилди.

Хусусан, 2021 йилда Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё мамлакатлари касабачи уюшмалари Кенгашининг фаолиятига алоҳида тўхталиб ўтилди.

Таъкидланганидек, Кенгашининг ўтган даврдаги фаолияти давомида қатор тадбирлар амалга оширилгани меҳнат муносабатларини такомиллаштиришда минтақавий ҳамкорликни ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди.

Учрашув якунида меҳнат муносабатлари йўналишида ҳамкорликдаги лойиҳаларни фаоллаштиришга келишиб олинди.

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ
«ISHONCH»



Ўзбекистон касабачи уюшмалари Федерацияси халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, ўтган йилда Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари касабачи уюшмалари Кенгаши ташкил этилиб, ҳамкорликда қатор ишлар амалга оширилди.

Шу кунларда пойтахтимизда Марказий Осиё мамлакатлари касабачи уюшмалари Кенгашининг иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Тадбирлар доирасида ҳамкор ташкилотлар ўртасида соҳага оид бир қатор ҳужжатлар имзоланди.

>>> 3

Майдонда касабачилар

Анъанавий бўлиши қутилаётган Марказий Осиё мамлакатлари касабачи уюшмалари Кенгаши кубоги учун мини-футбол бўйича халқаро турнирга бу йил Ўзбекистон мезбонлик қилди.



Бизни дўст билганлар

Иzzату ҳурматни тилаб олмаслар,
Иzzат истаганлар ишлаб толмаслар,
Ҳаргиз тафаккурда ортда қолмаслар,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Дунё тамаддунин тошида бормиз,
Қадим тарихининг ёшида бормиз,
Улуғ иxtиролар бошида бормиз,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Ҳазрат Амир Темур шони балқиган,
Мангубердисини мангу алқазан,
Буюк Турон деса олам қалқиган,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Тинчлик тилагида тилмочсиз дилмиз,
Тенглик майдонда беллашган элмиз,
Қўшнилари яйраса, қувончи селмиз,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

«Тошкент – нон шаҳри», деб билади дунё,
Самарқанд саодат саҳнида зиё,
Бир келган, бир кўрган айтар тасанно,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Меҳмондўст миллатимиз қалбимиз кўзгу,
Ҳам амал, ҳам ният азалдан эзгу,
Ўзбек улўглигин ким қилмас орзу,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Ҳар элда, ҳар тилда Самарқанд руҳи,
Юз карра юксалди Шанхай шукўҳи,
Абад ҳилпирасин дўстликнинг туғи,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Тан олди дунёнинг кексаю ёши,
Мардларга эгилар мардларнинг боши,
Бизнинг фахримиздир бизнинг Юртбоши,
Бизни дўст билганлар адашмайдилар.

Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири



3

Сурхондарё вилояти

Термиз тумани «Солибод» маҳалласида яшовчи тадбиркор Нигора Валихонова раҳбарлик қилаётган уюшмада 30 тадан зиёд «Дамас» русумли автомашина жамланган бўлиб, «Янгиариқ» СИУ ҳудудидаги аҳолига хизмат кўрсатиб келяпти. «Айритом», «Дўстлик» маҳаллаларидан то Термиз шаҳригача катта автомобиль йўлида ишга, ўқишга, бозор-ўчарга қатновчи ёш қарининг қорига яраётган уюшманинг тажрибали ва моҳир ҳайдовчиларидан эл миннатдор.

Ташаббус

Нигора Валихонова саховатпешалиқда ҳам бошқа тадбиркорларга ўрнак. Байрамлар ва турли-туман тадбирларида имконияти чекланган шахслар, кам таъминланган ва ижтимоий Ҳимояга муҳтож оилаларнинг фарзандларига ҳар томонлама ёрдам бериб келяпти.

Яқинда тадбиркор аёл ҳудуддаги 29-умумтаълим мактаби директори Муҳриддин Ярашевга бир синфхонани таъмирлаш ташаббуси билан чиқди. Натижада тез фурсатда синфхона жозибали қиёфа касб этди. Бу Ҳиммат, табиийки, қишлоқда овоза бўлди. Шу ҳудудда яшовчи

ҚУТЛУҒ даргоҳга кўмак

тадбиркор Суннатullo Сайнасуллаев ҳам мактабнинг битта синфхонаси таъмирлашга ўз ҳиссасини қўшиш учун ташаббус кўрсатди.

Гузарда ўз даромади ҳисобидан сунъий қопламали кичик стадион курган Суннатullo Сайнасуллаев яна бир неча дўконлар очиб, қишлоқдошларига озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо хизмати кўрсатиб келмоқда.

– Ҳар бир инсон, у тадбиркор, раҳбар ёки ишчи бўладими, биринчи таълим- тарбияни оила ва мактабдан олади, – дейди у. – Мен 29-умумтаълим мактабда ўқиганман. Бугун ўғил-қизларимиз шу мактабда ўқияпти. Шундай экан, қутлуғ даргоҳга қўлдан келганча мадад кўрсатишни ўзимнинг бурчим деб билдим.

Рустам ДАВЛАТОВ «ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Спартакиада

Байрамга айланиб кетди

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Сирдарё вилояти кенгаши ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида «Спорт – саломатлик гарови» шиори остида спартакиада ўтказилди.

Унда туманлар тиббиёт бирлашмалари ва Республика шохинч тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалидан 210 нафар ходим спортнинг 4 тури бўйича куч синашди.

Қизгин ва мурасимсиз кечган баҳсларда волейболда биринчи ўрин Сирдарё тумани тиббиёт бирлашмаси ходимларига насиб этди. Стритболда Гулистон тумани тиббиёт бирлашмаси жамоаси ғолибликка эришди.

Стол тенниси яккалик баҳсларида Оқолтин тумани тиббиёт бирлашмасидан Сарвара Олимжонова ҳамда Боёвут тумани тиббиёт бирлашмаси вакили Умид Уринбоевнинг қўли баланд келди. Бадминтонда Республика шохинч тиббий ёрдам илмий маркази Сирдарё вилояти филиали ходими Достон Иброҳимов ҳамда Янгиер шаҳар тиббиёт бирлашмасидан Нигора Язданкуловага тенг келадигани топилмади.



Ғолиб ва совриндорларга тармоқ диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА «ISHONCH»

Самарқанд вилояти

Мўлжал аниқ, режалар бисёр

Аграр соҳада аҳволни ўнглаш, далада ишлаётганларга муносиб шарт-шароит яратиш асосий вазифа бўлса-да, бунга тўлиқ эришиш осон бўлмайпти. Тизимда фаолият кўрсатаётган 18 мингга яқин ташкилотларнинг ўттиз беш фоиздан ортиғи ҳали-ҳануз ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг мақбул йўллари топа олганича йўқ.

Ўтган икки ой мобайнида тизим корхоналарининг 47 таси билан ҳамкорлик муносабатлари ўрнатиш йўлида мулоқотлар йўлга қўйилди. Натижада 427 нафар аграр соҳа ходими касаба уюшмалари сафига қабул қилинди. Бугунги кунга келиб вилоят ҳудудида меҳнат қилаётган соҳа ходимларининг 182901 нафари кас

Жараён

саба уюшмалари ҳимоясига олинган.

Соҳадаги янги тузилма – кластер ҳужжаликлари билан ижтимоий шериклик алоқаларини тиклаш ҳаракатида бўляпмиз. Ўтган даврда мавжуд 34 та кластер ҳужжалигининг 17 тасида касаба уюшма ташкилоти тузилган бўлса, кейинги икки ойда аъзоларимиз са

фига яна 4 та кластер қўшилди.

Айни пайтда фаолиятида ҳеч қандай меҳнат ва ижтимоий жамоат тузилмасига эга бўлмаган 7925 та ташкилот бор. Уларнинг 13 тасини кластерлар ташкил этди. Бу жамоаларда ишловчилар манфаатини кўзлаб муурожаатлар билан чиққанми. Мулоқот ва ҳамкорлик алоқаларини тиклаш йўлида музокара олиб бораёмиз. Ўйлайманки, саъй-ҳаракатларимиз зое кетмайди.

Сайитмурот ҲАСАНОВ, Аграр соҳа мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Самарқанд вилояти бўйича масъул ташкилотчиси

Жиззақ вилояти

Акция

ҲАР БИР БОЛА ЭЪТИБОРДА

Ғаллаорол туманида «Касаба уюшмаси – болаларга» акцияси доирасида уйда таълим оладиган ҳамда чин етим, ижтимоий Ҳимояга муҳтож 150 нафар ўқувчига 10 турдан иборат ўқув қуроллари олиб берилди.

Бу совғалардан «Мирзабулоқ» ҚФЙда жойлашган 24-мактабнинг уйда таълим оладиган 4 нафар ўқувчисининг боши кўкка етди, уларнинг шодлиги бизга ҳам ўтди.

– Ҳатто таътил чоғларида ҳам ўқитувчимиз уйимизга келиб, инглиз тилидан машғулотлар олиб борди. – дейди 9-синф ўқувчиси Тўлқин Ҳамдамов. – Кўрсатилган меҳр мени янада яхши ўқишга ундайди.

Мамаражаб САҒАРОВ, Ғаллаорол туманидаги 24-мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Тошкент вилояти

Тадбир

Икки авлод учрашуви


Паркент туманининг Заркент қишлоғида жойлашган Ижод ўйида икки авлод учрашуви ташкил этилди.

Унда эркин ва фаровон ҳаёт куриш йўлида ютуқ ва зафарларга эришадиган, умумтаълим мактаблари ва мактабгача таълим муассасаларида фаолият кўрсатаётган 23 нафар ёш мутахассис ва узоқ йиллар давомида халқ таълими ривожига ўз ҳиссасини қўшган 22 нафар пенсионер ўқитувчи қатнашди.

Устозлар ўзларининг кўп йиллик тажрибалари асосида ёш авлодга таълим сифатини ошириш борасидаги ўғитлари ва маслаҳатларини берган тадбир шеърхонликка уланиб кетди.

Яқинда Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сергели тумани кенгаши томонидан фахрий ўқитувчиларга совғалар тақдим этилди.

Феруза РАҲАБОВА, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Сергели тумани кенгаши раиси



Фарғона вилояти

Саёҳат

ТААССУРОТЛАР БИР ОЛАМ...

Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси томонидан 80 нафар тиббиёт ходимининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳати ташкил этилди.

Саломатлик посбонлари муқаддас қадамжолар ва тарихий масканларда бўлишди. Хусусан, Регистон мажмуаси, Имом ал-Бухорий мақбараси, Ситорайи Моҳи Хоса, Арк, Лаби ҳовуз, Ичан қазъа каби диққатга сазовор жойларни зиёрат қилишди.

Истиқлол байрами муносабати билан ташкил этилган саёҳат барчада унутилмас таассурот қолдирди.

Саида АБДУЛЛАЕВА, Бувайда тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси

Истиқболли лойиҳалар

ИЭСларга қуёш панеллари ўрнатилмоқда

«Ўзбекэнерготаямир» акциядорлик жамияти томонидан қайта тикланувчи энергия манбаларидан кенг фойдаланиш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, жорий йилнинг 26-30 июль кунлари «Ўзэлтехсанеоат» уюшмаси ҳамкорлигида очилган кўргазма ташкил этилиб, қуёш панеллари ва сув иситкичлар етказиб бериш бўйича келишувларга эришилди. Уларга асосан «Ўзбекэнерготаямир» АЖ мутахассислари «Иссиқлик электр станциялари» АЖда қуёш панеллари ўрнатиш режалаштирилган.

Айни вақтда мазкур ишлар изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, «Тошкент ИЭС» АЖда энергия самарадор ва тежамкор технологияларни жорий этиш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни босқичма-босқич йўлга қўйиш белгиланган эди. Ҳозирги кунда корхона автогаражига 4 кВт.соат қуёш фотоэлектр панели, кимё цехи ва мазут ҳўжалигига 200 литр сигимли 2 та сув коллектори ўрнатилди.

«Муборак ИЭМ» АЖда 21 та қуёш фотоэлектр панелли ёриткич ҳамда 600 литр сигимли 3 та қуёш сув иситиш қурилмаси ўрнатилди. Натижада корхонада соатига 2 кВт, суткасига 48 кВт, йилига 17,520 кВт. соат электр энергияси иқтисод қилинишига эришилади.

«Сирдарё ИЭС» АЖда эса сигими 2400 литрга тенг бўлган 12 та қуёш сув иситкичи ўрнатилди. Мазкур қурилмалардан фойдаланиш самараси ўлароқ соатига 50 кВт.соат электр энергияси ва 0,14 Гкал иссиқлик энергияси тежаш имкони юзага келди.

«Навойи иссиқлик электр станцияси» АЖда эса жами сигими 5200 литрга тенг бўлган 26 дона қуёш сув иситкичи ўрнатиш натижасида бир йилда 19345 кВт.соат электр энергияси иқтисод қилиниши мўлжалланмоқда.

«Тахياتош ИЭС» АЖда ҳам сигими 2000 литрга тенг бўлган 10 дона қуёш сув иситкичи ўрнатилиб, шу тарихда бир йилда 5475 кВт.соат электр энергияси ҳамда 5256 Гкал иссиқлик энергияси иқтисодига эришилаётган бўлди.

Матлуба ҚОСИМОВА



Тошкент шаҳри

Кўргазма


Тўғарақдан бошланар бари...

Янги ўқув йили бошланиши билан ота-оналар ва ўқувчилар турли-туман тўғарақларни қидириб қолади. Ҳозирги кунда бундай ўқув марказлари кўп. Лекин уларнинг сифати ва нархи кўпчиликини қониқтирмаслиги ҳам бор гап. «Баркамол авлод» болалар мактаби тўғарақлари эса ҳамёнбоплиги, ҳунар ўрганишига йўналтирилгани билан ҳам анчайин оммабопдир.

Пойтахтимизнинг Миробод туманидаги «Баркамол авлод» болалар мактабда бичиш-тиқиш, тарих, пазандалик, дизайнерлик, шахмат-шашка, рус, инглиз тиллари, миллий рақс каби йўналишларда қатор тўғарақлар фаолият юритмоқда.

Аммо буни ҳамма ҳам билвермайди. Шу боис мактаб маъмурияти яқин ҳудуддаги «Толариқ» маҳалласида ёшларнинг тўғарақларда ўз қўллари билан яратган ижодий ишларини намойиш қилган ҳолда очилган эшиклар кўннини ўтказди. Унда ёшлар, ота-оналар, маҳалла фаоллари ва тўғарақ раҳбарлари қатнашди. Кўргазма доирасида меҳмонларга мавжуд тўғарақлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилиб, концерт дастури намойиш этилди. 31-, 125-, 263-, 218- ва 214-мактаблардан келган ўқувчи ёшларга маҳорат дарслари ўтилгани ҳам катта қизиқишга сабаб бўлди.

Зебо НАМАЗОВА «ISHONCH»





ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Пойтахтимизда 2022 йил 21 сентябрь куни Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашининг II йиғилиши бўлиб ўтди

Кун тартибидан кўпга долзарб масалалар ўрин олган мазкур йиғилишни Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгаши Бош котиби, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов олиб борди.



Шундан сўнг ХМТнинг меҳнаткашлар фаолияти бўйича Бюроси (ACTRAV)нинг Европа ҳамда Марказий Осиё сектори мудирини Сергиус Гловацкас Бюросининг Марказий Осиё минтақасидаги устувор вазифалари ҳақида сўз юритар экан, ACTRAV минтақа касба уюшмалари марказлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш, меҳнат соҳасидаги муаммоларни биргаликда ҳал қилиш борасида самарали фаолият олиб бораётганини таъкидлади.

Халқаро касба уюшмалари конфедерациясининг янги мустақил давлатлардаги дастурлари координатори Анна Сальникова Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси ҳамда Марказий Осиё касба уюшмалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари хусусида сўз юритди.

Шундан сўнг Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгаши Бош котиби, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов ҳамда Меҳнаткашлар фаолияти бўйича ХМТ Бюросининг Европа ҳамда Марказий Осиё сектори мудирини Сергиус Гловацкас ўртасида Марказий Осиё давлатларида касба уюшмалари таълимини ривожлантириш ва модернизациялаш ҳамда касба уюшмалари минтақавий ҳамкорлигини кучайтириш ҳақидаги Декларация имзоланди.

Йиғилишда Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашининг Бош котибини сайлаш масаласи ҳам қўриб чиқилди. Кенгашининг амалдаги Бош котиби Қудратилла Рафиқовнинг таклифи билан ташкилотнинг келгуси йил учун Бош котиблигига Қозоғистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин номзоди қўриб чиқилди ҳамда бир овоздан маъқулланди.

Шу билан Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашининг II йиғилиши ўз якунига етди.

Тадбир якунида Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгаши Бош котиби номидан меҳмонлар учун тантанали қабул ўтказилди.

Жаҳонгир НАҲАНОВ
«ISHONCH»



МЎҒУЛИСТОН КАСБА УЮШМАЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ РАҲБАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

2022 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясида Мўғулистон касба уюшмалари Конфедерацияси билан ҳамкорлик меморандумини имзолашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Маросимда сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашига аъзо ташкилотлар, соҳадаги ҳамкорликда олиб борилган кенг кўламли ишлар ҳақида сўз юритди.

Ўз навбатида, Мўғулистон касба уюшмалари Федерацияси раҳбари Сухбаатар Эрдэнэбат Мўғулистон касба уюшмалари фаолияти ҳақида атрофлича маълумот берди. Тадбир якунида икки давлат касба уюшмалари ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.



ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

Шу кунги Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Сўзга чиққанлар кейинги йилларда давлатларимиз ўртасида олиб борилётган кенг кўламли ҳамкорлик, қўшничилик муносабатларига алоҳида ургу бердилар.

Ўзбекистонда бугун барча соҳаларда тизимли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунга касба уюшмалари ҳам ўз ҳиссасини қўшиб, ишчи-ҳодимларнинг манфаатлари ҳимоясини би-

ринчи ўринга қўйиб келяпти, – деди Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Эмиль Кызаев. – Бугун имзоланаётган меморандум мамлакатларимиз касба уюшмалари ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқишига шубҳа йўқ. Бу йўлда бор имкониятларимизни ишга солашимиз.

Салим АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»

Ўз сўзини ШХТнинг яқинда бўлиб ўтган Самарқанд саммити ҳақидаги фикрлар билан бошлаган Қудратилла Рафиқов шундай деди: «Муҳтарам Президентларимизнинг сиёсий иродаси ва қарорларини ҳаётга татбиқ этиш мамлакатларимиздаги энг йирик жамоат ташкилотлари раҳбарлари сифатида бизларга алоҳида масъулият юклайди.

Дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш, касба уюшмаларининг асосий вазифаларини амалга оширишда ҳамда ўзаро тажриба алмашишда давлатларимиз манфаатларини ўзида мужасамлаштиришимиз керак.

Шу билан бирга, қўйидаги вазифалар биринчи ўринга чиқди:

биринчидан: бандликни таъминлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳимоя қилиш;

иккинчидан: аёллар ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш;

учинчидан: маънавий-ахлоқий тарбия ва сифат жиҳатидан янги таълимга кўмаклашиш;

тўртинчидан: ихтисослаштирилган таълим муассасаларида кадрлар малакасини ошириш, касба уюшмалари ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш».

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ўтган йили Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашини ташкил этиш ташаббуси билан чиққан эди. Ушбу ташаббус Қозоғистон касба уюшмалари Федерацияси ва Тожикистон мустақил касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти ва Халқаро касба уюшмалари конфедерацияси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди.

Кенгашни ташкил этишдан мақ-

сад ишчи-ҳодимларнинг ижтимоий, меҳнат, касбий, иқтисодий ва бошқа ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, касба уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқ ва қароқларини ҳимоя қилиш бўйича иштроки мамлакатлар касба уюшмаларининг ҳаракатларини бирлаштириш ҳамда халқаро касба уюшмалари бирдамлигини мустаҳкамлашга кўмаклашиш эди.

Анжуманда сўзга чиққан Қозоғистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Сатибалди Даулеталин, Тожикистон мустақил касба уюшмалари Федерацияси раиси Нейматзода Маликшо Маҳмадшо Кенгашининг бир йиллик фаолиятига ижобий баҳо бериб, Қирғизистон ва Мўғулистон касба уюшмаларининг унга аъзо бўлиш истагида экани минтақа касба уюшмалари фаолиятини янги босқичга олиб чиқишини таъкидладилар.

Шу боис анжуманда дастлаб Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Мўғулистон касба уюшмалари Конфедерациясини Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашига қабул қилиш масаласи қўриб чиқилди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққан Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Рафиқов Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси ҳамда Мўғулистон касба уюшмалари Конфедерациясининг Марказий Осиё касба уюшмалари Кенгашига аъзо бўлиши

ташкilotнинг келгусидаги фаолиятига янги руҳ ва илҳом бахш этишини алоҳида таъкидлади.

Марказий Осиё мамлакатлари касба уюшмалари Кенгашига аъзо бўлаётган касба уюшмалари марказлари раҳбарлари – Қирғизистон касба уюшмалари Федерацияси раиси Эмиль Кызаев, Мўғулистон касба уюшмалари Конфедерацияси раҳбари Сухбаатар Эрдэнэбат ҳам ушбу масалада сўз олиб, Марказий Осиёда меҳнаткашлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат қонунчилигини такомиллаштириш жараёнида ҳамфикр, ҳаммаслак бўлиб фаолият олиб бориш минтақадаги ҳар бир касба уюшма маркази учун катта имконият яратишига ишонч билдирдилар.

Тадбирда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари – меҳнат инспекцияси бошлиғи Қобилжон Қирғизалиев, бўлим бошлиғи Нодира Ҳойибназарованинг мамлакатимизда соҳада эришилаётган муваффақиятларга бағишланган маърузалари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Қозоғистон касба уюшмалари Федерацияси маъмурияти раҳбари Нурлибек Жумаш, Тожикистон таълим ва фан ходимлари касба уюшмалари Сўғд вилояти кенгаши раиси Мусобек Самизода ушбу мамлакатларда касба уюшмалари тажрибаси ҳақида атрофлича маълумот бердилар.

Майдонда касабачилар

Пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуасида ўтказилган баҳсларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон касба уюшмалари терма жамоалари ўзаро беллашдилар.

Муҳлисларнинг қизгин қўллаб-қувватлови остида кечган ўйинлар Қозоғистон – Ўзбекистон 1:1, Қозоғистон – Тожикистон 6:5 ва Ўзбекистон – Тожикистон 9:5 ҳисобида аяқланди.

Шундай қилиб, ҳамюртларимиз ва Қозоғистон жамоаси бир хил очко жамғарди. Турнир ғолибини аниқлаш учун ушбу жамоалар яна майдонда ўзаро рубару келишди. Бу сафар рақибла-

ридан 2:0 ҳисобида устун келган Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси футбол жамоаси ҳақли равишда биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Қозоғистон ва фахрли учинчи ўрин Тожикистон жамоасига насиб этди.

Шу кунги футбол муҳлислари яна бир ажойиб футбол спектаклига гувоҳ бўлишди. Гап шундаки, Ўзбекистон футбол фахрийлари жамоаси ҳамда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистон жамоалари аъзоларидан иборат аралаш таркибдаги «Дўстлик» жамоаси ўртасидаги ўйин муҳлисларда катта қизиқиш уйғотди. Ўйин бошланиши аввалида майдонга кириб келган Миржалол Қосимов, Шуҳрат Мақсудов, Мурод Алиев, Азамат Абдураимов каби ўзбек футбол афсоналарини муҳлислар олқишлар билан қутиб олишди.

Ўзбекистон футбол фахрийлари жамоаси ва «Дўстлик» жамоаси ўртасида кечган қизиқарли беллашув 3:3 ҳисобида аяқланди.

Футбол баҳсидан сўнг томошабинлар диққатига бадий қисм ҳавола этилди. Элимиз сўйган санъаткорлар ўзларининг дилтортар куй-қўшиқлари билан йиғилганларни хушнуд этишди.

Халқаро миқёсда ўтказилган тадбир сўнггида мусобақа ғолибларига қимматбаҳо совғалар ва медаллар топширилди.

Шунингдек, турнирда турли йўналишлар бўйича ҳам ғолиблар аниқланди. Хусусан, ўзбекистонлик Бехзод Амонуллаев «Энг яхши дарвозабон», қозоғистонлик Ашим Баглан «Турнир тўпурари» ва тожикистонлик Шуҳрат Шамсиев «Энг яхши ўйинчи» дея эътироф этилди ҳамда уларга ҳам алоҳида совғалар берилди.

Алижон АБДУРАҲМОНОВ
«ISHONCH»



Сайдабар Абдураҳимов ва Насир Ҳайдаров олан суратлар.



Самарқанд вилояти

Мавзуга қайтиб

Таҳлил

Таълимдаги тажрибалар ўзини оқлаяпти(ми?)

Моҳият мудом қиёсда очилади. Бирор ҳолатнинг яхши ё ёмонлигини билиш учун, албатта, бу ҳақда тушунча, тасаввур ва тажрибага эга бўлиши шарт. Шу ҳолдагина тўғри хулоса чиқариш мумкин. Акс ҳолда, Абдулла Орипов айтгани каби, кичик қўлмакни бутун дунё деб ўйлаган тилла балиқчага ўхшаб жоҳилликда ўтиб кетиш мумкин.

АЙБДОРМИ ЁКИ ЖАБРДИЙДА?

Нурободдаги «Дарслик улоқтириш» воқеаси ва ундан кейинги жараёнлар қандай кечмоқда?

Ҳали кўп бўлмади. Эсингизда бўлса керак, Нурободдаги китоб улоқтириш воқеаси. Ижтимоий тармоқларда муҳокамалар марказига чиққан ушбу мавзуга яна қайтишимизнинг ўзига хос сабаби бор. Аслида воқеа қандай бўлган эди? Биз масалага бир томонлама ёндашмаймизми?



Уша куни Нуробод тумани марказидаги энг кўп (1300 нафар) ўқувчига эга 1-умумтаълим мактабидаги тадбирда туман ҳокими, туман халқ таълими бўлими мудири ҳам иштирок этади. Аммо хайрли бошланган ишнинг охири чувалашиб кетади. Расмий тадбирлардан сўнг дарслик тарқатиш бошланади. Шунда юзлаб одамлар – ўқувчи-ю ота-оналар темир зинадан ҳатлаб чиқиладиган мактаб кутубхонаси атрофига тўпланишади...

Синфимдаги 20 нафар ўқувчи дарслик пулларини тўлагани учун китоб олишга кўмаклашиш мақсадида кутубхонага кўтарилдим, – дейди 4-синф ўқитувчиси Шоҳида Ғаффорова. – Биринчилардан бўлиб дарсликларни ажратиб олдим. Гиж-гиж оломон орасидан ўқувчиларим азият чекмасдан китоб олиб кетишларини ўйлабман, фақат. Юқорига кўтариладиган зинани китоб олишга келган ота-оналар тўсиб қўйганди. Пастга бир тушсангиз, оломон орасидан қайтиб юқорига чиқиб олиш ҳам амри маҳол эди. Боз устига 5-6 хилдаги дарсликлар тўпламини пастга олиб тушиш ҳам осонмасди. Аммо шу ерда турган бир эркак киши менга кўмаклашиш мақсадида «Менга ташланг болаларга олиб бераман» деб қолди. 19 тўплам (комплект) китобни бояги киши кўмагида тарқатдим. Тўғриси, бироз чарчагандим. Охири ўқувчининг дарсликларини олиб чиқиб, бояги киши олиб олади-ку, деган хаёлда ташлаб юборибман. Аммо у киши кетиб қолган экан. Китоблар ерга тушди...

Эллик ёшга қаршилаган, ўттиз беш йиллик тажрибага эга устознинг бугун боши эгик, кўзлари нам. Энг ачинарлики, у энди ишсиз... Одамлар эътибори, ўқувчиларнинг меҳрини қозонишга бутун умрининг сарфлайсан. Аммо бир лаҳзада номинг қорага чиқиши мумкин экан, – дейди Шоҳида Ғаффорова. – Мен китобни яхши кўраман. Ун икки йил кутубхоначи бўлиб ишлаганман. Аммо хато қилишингни кутадиганлар бор экан. Начора... Ижтимоий тармоқда воқеликнинг талқини тизим мутасаддиларини уйғотиб юборди. Раҳбарият вакиллари воқеликнинг эртасигаёқ, аниқроғи, 6 сентябрь куни мактабга етиб келишди. Ўқитувчининг «майли, қандай жазо кўлласаларинг розиман, аммо мактабдан кетмай» деган гаплари инобатга олинмади. Унга ўз аризаси билан ишдан кетса яхши бўлиши тушунтирилди.

Аввалига тушунтириш хати ёзган мактаб директори Элбек Ҳамроев ҳам шу куну ўз хоҳиши билан ишдан бўшаш ҳақида ариза беради. Дарвоқе, мазкур мактабга уч йилдан бери раҳбарлик қилаётган Элбек Ҳамроевга туман ХТБдан яхши таъриф беришди. Ёш раҳбар қисқа фаолияти давомида ўзини кўрсата олган. Ўтган йили мактаб битирувчиларининг 27 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирган, жорий йилда бу кўрсаткич 41 фоизга етган. Мактаб сариқ чиққандан яшил чиққача олиб чиқилган. Сирасини айтганда, таълим жараёни йилдан-йилга яшиланиб келаётганди. Аммо...

Шундан буён ишсизман, – дейди Элбек Ҳамроев. – Бошим қотган. Ҳаммасини қайтадан бошлашга кучим етарилмади. Ҳайронман. Энди воқеа содир бўлишига сабаб бўлган омига эътибор қаратсак: ўқувчиларни китоб билан таъминлаш масаласини аскар туманлар осонгина ҳал этган бир вақтда, масалан, Қўшработ туманида 20 августдаёқ барча ўқувчилар дарсликлар билан таъминлаб бўлинган, Нурободда бу жараён нега кечикди? Шунга ўхшаш саволларга жавоб топиш мақсадида

туман халқ таълими бўлимида бўлди.

Барча мактаблар масъулларига дарсликлар жамламасини ўқув столи устига тахлаб қўйишни уқтиргандик, – дейди Нуробод тумани халқ таълими бўлими мудири Озод Жангиров. – Раҳбариятнинг бу талаби эътиборсиз қолдирилган. Оқибатни эса қўриб турибсиз.

Мудирнинг айтишича туманда мутахассис ўқитувчилар етишмайди. Айни чоғда 190 нафар ўқитувчи бошқа вилоятлардан келиб муайян имтиёزلар эвазига ишламоқда. Улар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.



1-умумтаълим мактаби директори Элбек Ҳамроев ҳамда бошланғич синф ўқитувчиси Шоҳида Ғаффороваларни ўз аризаларига кўра бўшатганимиз, – дейди ХТБ мудири. – Аммо уларни ишсиз қўймаймиз. Шундоқ ҳам малакали кадрлар етишмайди. Вақти соати келганда уларга ҳам, албатта, иш берамиз.

Китоб «улоқтириш» масаласи Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгашининг ҳам бефарқ қолдиргани йўқ. Кенгаш мутахассислари бу масалани ўрганиб чиқишди.

Туман халқ таълими бўлими томонидан ходимларни ишдан бўшатилишининг қонунийлик жиҳатини ўрганиб чиқдик, – дейди меҳнат ҳуқуқ инспектори Улугбек Ғаниев. – Ҳар иккиси ҳам ишдан бўшаш тўғрисида аризани ўз хоҳишлари билан ёзишган.

Аризада бўшатилиши куну аниқ қайд этилгани боис қонунда белгиланган муддатда қайтариб олиш имкони йўқ. Аммо аниқ вақтда иш берувчи уларни ишсиз қолдирмасликка ваъда беришти.

Ўқитувчи ва мактаб директори билан мулоқотдан аён бўлдики, улар китобни хор қиладиган маънавиятсиз инсонлар тоифасидан эмас. Аммо мавжуд вазият тақозоси туфайли шу қўйга тушганлар.

Бу бир жиҳатдан барчага сабоқдир, балки. Аммо, не бўлганда ҳам, устозларни ранжитганимиз яхши бўлмади.

Нурилла ШАМСИЕВ, «ISHONCH»



Ойхон СИНЧИЕВА

Янгийўл шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри томонидан Янгийўл шаҳар, «Мезон» маҳалласи, Боғ ҳовли кўчаси, 11-уй учун Шамшиева Мавжуда Хамиджановна номига берилган унинг кадастр ҳужжати йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Янгийўл туманидаги Гулбахор саноат касб-ҳунар коллежи томонидан 2007 йилда Нарметов Хамид Садуллаевич номига «Банк иши» йўналиши бўйича берилган К № 807360-рақамли диплом йўқолгани сабабли бекор қилинади.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмасининг Гулран тумани кенгаши раиси Сардорбек Юсуповга отаси

МУАССИС: O'zbekiston kasaba uyushmalar Federatsiyasi. ISSN 2010-6002. 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати: Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улугбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сухроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Меҳриддин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»). Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ. Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69. Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89. Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79. Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43. Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73. www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин. Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22. Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23. Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34. Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-02. Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28. Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26. Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55. Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32. Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24. Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01. Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27. «Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан қайтарганиш мумкин. Навбатчи муҳаррир: А. Абдурахмонов. Мусаҳҳилар: Д. Худойберганаева, Д. Равшанова. Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов. Босишга топшириш вақти – 01:50. Топширилди – 02:20. Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г-906. 31536 нускада босилди. Нашр қўрсаткичи: 133. Баҳоси келишилган нарҳда. Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz. Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. «Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «ropeka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130.